

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҚАҲҲОРОВА ГУЛНОЗА АБДУРАСУЛ ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим
наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on psychological
sciences**

Абдукахҳорова Гулноза Абдурасул қизи

Ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишда ижтимоий-психологик
хизматнинг ўрни.....3

Абдукаххарова Гулноза Абдурасул қизи

Роль социально-психологической службы в предотвращении девиантного
поведения подростков.....23

Abdukakhkharova Gulnoza Abdurasul kizi

Role of social psychological service in prevention of deviant behavior in
adolescents.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҚАҲҲОРОВА ГУЛНОЗА АБДУРАСУЛ ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЎРНИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/P.57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Азим Меликулович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Умарали Дўстқобилович
психология фанлари доктори, доцент

Тўлаганова Гулчехра Кучкаровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, психол.фан.доктори, доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, психол.фан.номзоди, доцент

З.Т.Нишоновна

Илмий даражалар берувчи
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, психол.фан.доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон хулқ оғиши туфайли шахс психологиясидаги турли трансформациялар: ўғрилик, талончилик, қотиллик, фирибгарлик, транспорт воситасини олиб қочиш ва бошқа ҳолатларнинг жамиятга салбий таъсир этиши юз беришини олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш долзарблашиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization) томонидан берилган маълумотларга кўра, «Дунё бўйича ҳар йили 10 -17 ёшдаги ёшлар орасида 200 минга яқин қотиллик, талончилик жинояти содир этилади ва ушбу хулқ сабабларини аниқлаш бутун дунё мутахассислари томонидан долзарб муаммо сифатида ўрганилади»¹. Бу борада ўсмирларда девиант хулқ-атворни бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг ўрнини аниқлаш, улардаги девиант хулқ-атворга сабаб бўлувчи психологик омиллар ва девиант хулқ эгаларидаги шахсий сифатларни ўзгаришлари билан боғлиқ масалалар ечимини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда девиант хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий-психологик сабаблари ва мотивларини аниқлаш, хулқ-атворнинг ижтимоий муҳит талабларига ҳамда девиант хулқ-атворни бартараф этишга қаратилган интеграциялашган янги психологик хизмат дастурларини жорий этишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ижтимоий хавф гуруҳига кирувчи ўсмирлар хулқининг ижтимоий-психологик омилларини психодиагностикаси ва реабилитациясини амалга ошириш, девиант хулққа мойилликни оширувчи омиллар таъсирини камайтиришни таъминлашга хизмат қилувчи психопрофилактик-коррекцион механизмларни ишлаб чиқиш, девиант хулқли ўсмирларнинг ижтимоий фойдали фаоллигини ошириш орқали уларнинг ижтимоий адаптациясига психологик кўмаклашишга йўналтирилган психологик хизматни жорий этиш ва такомиллаштириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар туфайли ёшлар таълим ва тарбиясини уйғун тарзда олиб боришга оид стратегик вазифалар белгиланиб, зарур меъёрий асослари яратилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тарбиясида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишларини олиб бориш...»² масаласи устувор вазифалар белгиланганлиги, ўсмирлар орасидаги девиант хулққа мойилликни психодиагностикаси, коррекцияси, девиант хулқ психопрофилактикаси борасидаги психологик таъсир механизмлари ва манзилли ижтимоий-психологик хизмат технологияларини жорий этиш йўналишларида психологик хизмат сифатини ошириш ҳамда

¹ World Health Organization. Health Topics. Violence. Accessed, July 27, 2019 – P.87

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712 - сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони// <https://lex.uz/docs/4312785>

такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга қаратилган янги назарий ечимларни топиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-92-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 472-сонли «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор ҳамда Қарор иловасида кўрсатилган Ўзбекистон Республикасида психологик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан девиант хулқ-атвор муаммоси Д.Абдужабборова, М.Х.Ахмедова, Ш.Р.Баротов, А.М.Жабборов, В.М.Каримова, Н.Ғ.Камилова, З.Т.Нишанова, Г.Қ.Тўлаганова, Б.М.Умаров, Э.Ғ.Ғозиевлар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан С.А.Беличева, В.И.Волков, И.В.Вачков, А.Г.Грецов, М.И.Еникеев, Е.Д.Змановская, Я.Н.Иванов, Р.Кочюна, Р.В.Овчарова, В.Ф.Пирожков, Н.Ю.Синягина, Л.М.Семенюк, В.Федосенко, Ю.И.Юричкалар томонидан девиант хулқли ўсмирларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳаракатларини коррекция қилиш билан боғлиқ масалалари, Ю.Л.Арзуманов, А.Д.Глоточкин, А.И.Донцов, Ю.А.Клейберг, М.В.Львова, А.Е.Личко, А.А.Реан, Р.В.Фомина ва А.В.Шуваловлар томонидан ўсмир ёшдаги ўқувчиларда хулқи оғишганлик ва аддектив хулқ шакллари оид муаммолар кенг қамровли тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан А.Бандура, Г.Беккер, Э.Дюркгейм, Дж.Келли, Э.Кречмер, Ч.Ломборзо, С.Миллер, Р.Мертон, Э.Сатерланд, Н.Смелзер, З.Фрейд, К.Юнг, Э.Эриксон, У.Шельдонлар томонидан девиация масалалари илмий тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Қарши давлат университети илмий тадқиқот режаларининг БВФ-0-01-рақамли «Вояга етмаганларнинг инфорацион хавфсизлигини таъминлашда фанлараро ёндашувнинг илмий-методик асосларини яратиш» мавзусидаги фундаментал таҳлилий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишда ижтимоий-психологик хизматнинг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсмирларда девиант хулқни келтириб чиқарувчи ижтимоий психологик омилларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

девиант хулқ-атвори бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг когнитив ўрнини аниқлаш;

ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишда ижтимоий-психологик хизматнинг шахс тузилиши ўзгаришидаги таъсирини эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш;

ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишга қаратилган психокоррекцион тренинг машғулоти ёрдамида психопрофилактик дастурларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишда ижтимоий-психологик хизмат ўрнини таҳлил қилиш жараёни танланган бўлиб, Қашқадарё вилоятидаги 4-, 8-, 65-сонли, Бухоро вилоятидаги 13-, 35-сонли, Самарқанд вилоятидаги 8-, 18-, 29-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг жами 345 нафар ўсмирлик давридаги ўқувчилар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини ўсмирларда девиант хулқ-атвори олдини олишдаги ижтимоий-психологик хизмат ва уларни коррекциялаш турлари ва методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда К.Н.Томаснинг «Низоли вазиятларни ҳал қилиш усуллари аниқлаш», А.Басси ва А.Даркиларнинг «Тажовуз ҳолатини аниқлаш», Т.Лири ва Л.Н.Собчикнинг «Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳисининг модификациялаштирилган варианты», К.Роджерс ва А.Даймондларнинг «Социал адаптацияни ўлчаш», Т.Личкони «Шахс характери акцентуацияси», методикалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), шунингдек, маълумотларни қайта ишлашнинг математик статистика методларидан Колмогоров-Смирнов мезони, Ч.Пирсон корреляция коэффициенти, факторли ва дискриминант анализ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўсмирлар хулқ-атворида юқори даражадаги гиперактивликнинг психоген вазиятларни юзага келтириши натижасида шахслараро муносабатларга ижобий таъсир этувчи ижтимоий-психологик детерминантлар (хулқ ўзгариши, ижтимоий муҳит, қизиқиш, мойилликлар)ни аниқлаш зарурати хулқий ўзгаришларни олдини олиш мумкинлиги далилланган;

стимул-реакция тамойилининг ўсмирлар хулқидаги эгоизмнинг кучайишига динамик таъсири туфайли ижтимоий психологик иммунитет пасайиши ва салбий хулқ-атворини бартараф этиш учун ўсмир «Мен»ига коррекцион таъсир этишига кўра ижтимоий-психологик хизматда девиантлик профилактикасини кучайтириш зарурлиги асосланган;

Ўсмирларда девиант хулқни келтириб чиқарувчи психологик, физиологик салбий ҳаракатларнинг ошиши сабабли улар тажовуз ҳолатини ижобий ўзгартиришга эришишда «аутосуггестия» усулини қўллаш таъсирли бўлиши ҳамда хулқий оғишларга берилмасликни шакллантириш мумкинлиги исботланган;

мулоқот жараёнида танқид қилиш ва таққослаш усуллари қўллаш ўсмирлар хулқий ўзгаришида агрессияни келтириб чиқариши сабабли, уларда девиантликни эрта аниқлаш ва коррекцион чораларни белгилаб олишда «кактус» усули орқали психодиагностик ишларни амалга ошириш девиант хулқлилар учун ижтимоий-психологик хизмат самарадорлигини таъминланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республика миқёсида, девиант хулқ-атворни бартараф этишда, умумий ўрта таълим мактаблари ўсмир ўқувчиларини индивидуал-психологик жиҳатдан ўрганишга доир методика ва сўровномалар қўлланилган;

ўсмирларда девиант хулқ-атворни бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг ўрнини аниқлаш орқали, улардаги девиант хулқ-атворга сабаб бўлувчи психологик омиллар ва девиант хулқнинг кечишида юзага келган ўзгаришлар жорий этилган;

ўсмир ёшларда девиант хулқ-атворни олдини олишда ижтимоий психологик хизматнинг ўрнини психологик жиҳатдан баҳолашда методикалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муносабатларини аниқлаш каби психологик хусусиятлар ўрта даражада корреляцион алоқага киришганлиги ёритилган;

умумтаълим мактаблари ўсмир ўқувчилари фаолиятида юзага келадиган девиант хулқ-атвор пайдо бўлишини олдини олиш бўйича амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари ишлаб чиқилди ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қатнашган синалувчиларнинг мос равишда танлаб олинганлиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологиясида тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган методикалардан фойдаланилганлиги, амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилганлиги, миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли методлари яъни факторли-дискриминант анализ ва Ч.Пирсоннинг корреляция коэффициенти методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулосалар ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумтаълим мактаблари ўсмир ўқувчилари фаолиятида намоён бўлувчи девиант хулқ-атворни бартараф этишга қаратилган назарий ва методологик жиҳатдан янги маълумотлар билан бойитилганлиги ва олинган натижалар мазкур тадқиқотнинг назарий асосларини такомиллашувига, ўсмир ўқувчиларнинг девиант хулқ-атворни енга олишига ва мактаб амалиётчи психологининг фаолиятга илмий ёндошувини белгилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, халқ таълим муассасалари тизимида ижтимоий-психологик хизматни ташкил этишда, ўсмир ўқувчиларининг фаолиятида девиант хулқ-атворни юзага келтирувчи шарт-шароитларни бартараф қилишда, ўқув фаолиятида маънавий ва ақлий-интеллектуал жараёнларни ривожлантиришда самара бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмир ўқувчиларда девиант хулқ-атворни бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг ўрни бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўсмирлар хулқ-атворида юқори даражадаги гиперактивликнинг психоген вазиятларни юзага келтириши натижасида шахслараро муносабатларга ижобий таъсир этувчи ижтимоий-психологик детерминантлар (хулқ ўзгариши, ижтимоий муҳит, қизиқиш, мойилликлар)ни аниқлаш зарурати хулқий ўзгаришларни олдини олиш мумкинлиги далилланганлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 2880-сонли буйруғига асосан психологик хизмат кўрсатиш амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 06-06/4-2880-сонли маълумотнома). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида мактаб психологлари фаолиятида психологик хизмат кўрсатишда ўсмир ўқувчиларда девиант хулқ-атворга нисбатан психологик ҳимоя механизмларининг ривожланганлиги ва уларнинг хулқий оғишларга нисбатан малака кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

стимул-реакция тамойилининг ўсмирлар хулқидаги эгоизмнинг кучайишига динамик таъсири туфайли ижтимоий психологик иммунитет пасайиши ва салбий хулқ-атворини бартараф этиш учун ўсмир «Мен»ига коррекцион таъсир этишига кўра ижтимоий-психологик хизматда девиантлик профилактикасини кучайтириш зарурлиги асосланган маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги 59-сонли буйруғи билан амалий фаолиятда қўллаш бўйича иш режасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги № 59-сонли маълумотнома). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида марказ амалиётчи психологларининг услубий таъминоти такомиллаштирилган;

ўсмирларда девиант хулқни келтириб чиқарувчи психологик, физиологик салбий ҳаракатларнинг ошиши сабабли улар тажовуз ҳолатини ижобий ўзгартиришга эришишда «аутосуггестия» усулини қўллаш таъсирли бўлиши ҳамда хулқий оғишларга берилмасликни шакллантириш мумкинлиги исботланганлигига оид таклифлар Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги 59-сонли буйруғи билан амалий фаолиятда қўллаш бўйича иш режасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги № 59-сонли маълумотнома). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида девиант хулқ турига қарамликни олдини олувчи ижтимоий-психологик шарт-шароитлар, шахслилик хусусиятлари, девиант хулққа мойиллик даражаси

ҳамда тобелик кўрсаткичларини баргараф этувчи психопрофилактик ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни самарали ташкил этиш унумдорлигини оширишга хизмат қилган;

мулоқот жараёнида танқид қилиш ва таққослаш усулларини қўллаш ўсмирлар хулқий ўзгаришида агрессияни келтириб чиқариши сабабли, уларда девиантликни эрта аниқлаш ва коррекцион чораларни белгилаб олишда «кактус» усули орқали психодиагностик ишларни амалга ошириш девиант хулқлилар учун ижтимоий-психологик хизмат самарадорлигини таъминланиши асосланганлигига оид маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги 59-сонли буйруғи билан амалий фаолиятда қўллаш бўйича иш режасига киритилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 22 сентябрдаги № 59-сонли маълумотнома). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида девиант хулқ-атвор профилактикасига оид маълумотларнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 2 та услубий қўлланма, 12 та илмий мақола, 6 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 4 та таси хорижий журналларда, 2 таси инглиз тилида, шундан 1 та Scopus халқаро маълумотлар базасидаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, 9 параграф, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 145 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объекти ва предмети аниқланган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ижтимоий психологияда девиант хулқ ва уни ўрганиш муаммолари**» деб номланган бўлиб, унда девиант хулқатворнинг жаҳон психологиясида тадқиқ этилганлик ҳолати таҳлил қилинган. Жумладан, девиант хулқ-атвор муаммоси ҳам психология фанининг тадқиқот предмети сифатида таҳлил қилиниши илмий-назарий манбалар асосида тавсифлаб берилган. Назарий таҳлил асосида девиант хулқ-атворни

Ўсмир ёшларда тадқиқ этишда психологик хусусиятларнинг ўрни очиб берилган. Республикамиз психолог олимларидан Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Ш.Р.Баротов, А.М.Жабборов, Б.М.Умаров, З.Т.Нишонова, Г.Қ.Тўлаганова, Н.Г.Камилова, И.М.Ҳакимова, И.С.Қодиров, Д.Абдужабборова, А.Исроилов, Ў.Қ.Толипов, Ю.М.Асадов, О.У.Авлаев, М.Х.Ахмедоваларнинг ўз илмий изланишларида девиант хулқли ўсмирлар хулқ-атвориға хос салбий иллатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, уларни қайта тарбиялашнинг психологик, педагогик ҳамда ҳуқуқий масалаларини ўрганган бўлсалар, файласуф олимлардан Э.Ю.Супов, Х.Шайхова, Қ.Назаров, Н.Комилов, М.Холматова, М.Имомназаровлар шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия масалаларини, социолог М.Бекмуродов шахс ахлоқини шакллантиришда ҳамда ахлоқий бузилишларни олдини олишда жамоатчилик фикрининг тутган ўрни масалаларини, ҳуқуқшунослар О.Оқилов, А.Қулахметов, М.Усмоналиев, Р.А.Турдиев, жиноятчилик, жумладан ўсмирлар жиноятчилиги масалаларини илмий ўрганишган.

Жумладан, З.Т.Нишонovanинг «Психологик хизмат» номли ўқув қўлланмасида хулқида психологик оғиш бўлган ўқувчиларнинг психологик коррекцияси бўйича манбалар келтирилган.

Г.Қ.Тўлаганovanинг «Тарбияси қийин ўсмирлар» қўлланмасида ўсмирлар орасида тарбияси қийинлик, хулқи оғишганлик билан боғлиқ психологик хусусиятлар ва омиллар ўрганилади.

Б.М.Умаровнинг илмий тадқиқот ишида ёшлар орасида тарбияси қийинлик, жиноятчиликка мойиллик мотивлари бўйича ижтимоий психологик омиллар кенг ёритиб берилган.

Н.Г.Камилованинг «Хулқи оғишган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчилари ресоциализациясининг психологик хусусиятлари» мавзусидаги диссертациясида махсус муассасалар тарбияланувчиларини ресоциализациялашнинг дастлабки босқичида ижтимоий мослашув ва ижтимоий компетентликнинг (когнитив, эмоционал, ахлоқий) ривожланмаганлиги уларнинг девиант хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келувчи сабаб эканлиги ўрганилган.

Рус психологиясида ҳам девиант хулқ борасида ўзига хос илмий изланишлар амалга оширилган. Жумладан, Н.В.Басаева, Е.В.Змановская, А.И.Островский, Ц.П.Короленко, Т.А.Донских, В.Д.Менделевич, А.Е.Личко, В.В.Ковалев, И.Ю.Борисов, В.Н.Руденко, А.С.Скороходова, Т.Г.Визель Л.В.Сенкевич, В.А.Янышева ҳамда А.К.Железновалар ўсмир ёшларнинг шахсий ҳислатларида баъзан ўзига хос қийинчиликлар ва оғишлар, ички қарамақаршилиқлар ҳамда ижтимоий ҳаётдаги турли вазиятларга кўникма олмасликлари, оиладаги ноқулай турмуш шароити ва нотўғри тарбия, ҳаётий муваффақиятсизликлар, муносабатларда юзага келадиган низолар, соғлиқ билан боғлиқ бўлган муаммолар, руҳий инқироз ёки ҳаёт мазмунининг йўқолишига олиб келиши билан ҳам кечиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

М.З.Шогеновнинг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлганки, аксарият девиант хулқли ўсмирлар кам таъминланган оилалардан келиб чиқади. Яъни бу

оиладаги ноқулай турмуш шароити ва нотўғри тарбия, ўсмир томонидан билимларни ўзлаштиришдаги муаммолар ҳамда бошқа ҳаётий муваффақиятсизликлар, бошқалар билан муносабатларда юзага келадиган низолар, соғлиқ билан боғлиқ бўлган турли муаммо кабилар уларда руҳий инқироз ёки ҳаёт мазмунининг йўқолишига олиб келади.

Тадқиқотчи С.Н.Ениколопов девиант хулқли ўсмирларни қуйидагича таърифлайди: «девиант хулқли ўсмирлар гуруҳ ичидаги ўзлари учун референт, яъни аҳамиятли ҳисобланган гуруҳ аъзоларининг муомаласи, хулқ-атвори ҳамда муносабат меъёрларини ўзлаштиришга мойил бўлади. Ижтимоий тафаккур девиант хулқли ўсмирларда жуда заиф ривожланган бўлади.

Юқоридагилардан фарқли равишда, хориж олимларидан девиант хулқ - атворни тадқиқ этишга оид илғор ёндошувларга К.Глук, Ж.Кортес, Т.Гиббенсларнинг «антропологик конституционал назарияси»³, [10,45]; М.Шлап, Э.Смит, И.Ланге, Г.Крантзларнинг «эндокрин безларнинг инсон хаттиҳаракатларига таъсири» ҳақидаги назариялари, Д. Зилман, Ж. Доллардлар томонидан ишлаб чиқилган «Ақлий ривожланиш ва руҳий касалликлар» назарияси⁴ К.Бартольднинг «ҳиссий муаммолар назарияси»⁵ кабиларни киритиш мумкин.[12,113]

Диссертациянинг иккинчи боби «**Девиант хулқ профилактикасида ижтимоий-психологик хизматнинг амалий томонлари**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда ўсмирларда девиант хулқ-атворнинг олдини олишга доир илмий методологик масалалар, девиант хулқ-атвор типлари намоён бўлишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлар тавсифи ва ўзига хос психологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

1-жадвал

К.Н.Томаснинг «Шахснинг низоли вазиятларини ўрганиш» методикаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар (Колмогор Смирновнинг z-мезони бўйича) N=110

Кўрсаткичлар	Рақобатлик	Ҳамкорлик	Келишувчанлик	Тортишувдан қочиш	Мослашув-чанлик
N	110	110	110	110	110
M	2,95	55,70	10,10	6,95	6,25
Стандарт оғиш	0,85	11,34	1,29	0,99	1,37
Позитив	0,25	0,16	0,18	0,18	0,14
Негатив	-19	-0,18	0,21	-0,17	-0,15
Колмогоров-Смирнов	1,13	0,84	0,98	0,80	0,70

Тадқиқот ишида ўсмир ўқувчиларда девиант хулқ-атворни бартараф этишда ижтимоий-психологик хизматнинг ўрнини ўрганиш учун К.Н.Томас томонидан ишлаб чиқилган «Шахснинг низоли вазиятларини ўрганиш», Басса Даркининг «Тажовуз ҳолати ташҳиси», Лири-Собчикларнинг «Шахслараро муносабатлар», Роджерс ва Даймондлар томонидан ишлаб чиқилган «Социал адаптацияни ўрганиш» каби методикаларидан фойдаланилди. Булар ўртасида факторли таҳлил ҳамда корреляцион алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланди.

Ўсмир ўқувчиларда девиант хулқни келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва уларни бартараф қилишни таъминлаш юзаси бўйича олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Қарши шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг шахслилик яъни низоли вазиятларни аниқлаш сўровномасининг умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала бўйича яъни рақобатлилик мулоҳазаси ўқувчиларда 2,95 натижани қайд этгани ва бу стандарт меъёр бўйича ўртача миқдорда намоён бўлди.

2-жадвал

Тажовуз ҳолати методикаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Колмогоров-Смирновнинг z-мезони бўйича) N=110

Кўрсаткичлар	Жисмоний тажовуз	Вербал тажовуз	Билвосита тажовуз	Негативизм	Тажанглик	Шубҳаланувчанлик	Хафагарчилик	Айдорлик
N	110	110	110	110	110	110	110	110
M	3,50	6	3,50	1,55	3,50	3,05	2,75	2,80
Стандарт оғиш	1,19	1,55	1,10	0,94	1,46	1,39	1,20	1,28
Позитив	0,16	0,20	0,22	0,17	0,13	0,16	0,18	0,18
Негатив	-,016	-0,16	-0,16	-0,23	-0,14	-0,13	-0,16	-0,16
Колмогоров-Смирнов	0,72	0,89	1	1,04	0,65	0,73	0,81	0,82

Ўсмирларда девиант хулқ-атворни бартараф қилишда ижтимоийпсихологик хизматнинг ўрни бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари иккинчи методика бўйича яъни тажовуз ҳолатидан олинган натижалар ўсмир ўқувчиларда биринчи шкала бўйича жисмоний тажовуз 3,50 қийматдаги кўрсаткичга эга бўлиб, натижада ўқувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳозирги даврда жисмоний зўравонлик билан боғлиқ муносабатларни ҳисобга олганлиги билан характерланади. Иккинчи шкала яъни вербал тажовуз бўйича натижалар 6 даражани ташкил қилган. Бу нисбат эса, ўқувчиларда низоли вазиятларни ҳал қилишда вербал тажовузларнинг паст даражада шаклланганлигидан далолат беради. Кейинги шкала билвосита тажовуз бўйича олинган натижалар стандарт меъёрга кўра, 3,50 даражани қайд этган. Бу ўқувчиларда билвосита тажовуз хавфи ўртачадан пастроқ эканлигини

кўрсатган. Тўртинчи шкала негативизм бўйича ўқувчиларнинг тўплаган натижалари 1,55 ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичда ҳам стандарт меъёрга кўра, ўқувчиларнинг миқдорий кўрсаткичлари энг қуйи даражани намоён қилган. Кейинги шкала тажанглик бўйича 3,50 қийматни ташкил қилганлиги ва бирор-бир нохушликни ижобий даражада қабул қилиши билан белгиланади. Навбатдаги шкала шубҳаланувчанлик 3,05 нисбатга кўра, ўсмир ўқувчиларда турли хил ахборотларни қабул қилишда уларга шубҳа билан қарамаслиги паст даражада эканлигини англатади. Хафагарчилик шкаласи бўйича ўқувчиларнинг олган қийматлари 2,75 ни ташкил қилганлиги ва бу ўзгалар билан шахслараро муносабатларни йўлга қўйишда тез ранжиб қолмасликларидан далолат беради. Охирги шкала айбдорлик ҳиссига кўра, ўқувчиларда бирорта ишни нотўғри бажарган ҳолда ҳам айбдорлик ҳисси жуда қуйи даражада эканлиги билан белгиланади.

3-жадвал

Т.Лири-Л.Н.Собчик Шахслараро муносабатлар методикаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Колмогоров-Смирновнинг z-мезони бўйича) N=110

Кўрсаткичлар	Хукмрон-лидерлик	Мустақиллик	Тажовузкор	Ишонсизлик	тортинчоқлик	Бўйсунувчанлик	Ҳамкорлик	Масъулиятлилик
N	110	110	110	110	110	110	110	110
M	7,80	7,30	5,05	7,15	5,55	5	4,65	7,15
Стандарт оғиш	1,50	1,30	1,31	1,13	1,79	1,91	1,59	2,13
Позитив	0,15	0,19	0,13	0,19	0,15	0,10	0,11	0,10
Негатив	-0,13	-0,10	-0,23	-0,22	-0,14	-0,15	-0,13	0,10
Колмогоров-Смирнов	0,68	0,85	1,05	0,99	0,67	0,67	0,61	0,47

Ўқувчилардан олинган натижалар шахслараро муносабатлар методикаси бўйича уларнинг кўрсатган натижалари бошқалар билан қандай даражада муносабат ўрната олишларини англатади. Методикадан олинган кўрсаткичлар ўқувчиларнинг муносабатини акс эттиришга хизмат қилади ва кундалик турмушга қай даражада кириб борганлигини белгилашни англатади.

Натижаларга кўра, девиант хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашда муаммоли вазиятларни олдини олишда психопрофилактик ишлар олиб борилса, психологик хизматнинг ўрни муҳим аҳамият касб этишини кузатиш мумкин.

Қарши шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг социал адаптацияни аниқлаш сўровномасининг умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала бўйича яъни адаптация мулоҳазаси ўқувчиларда 78,80 натижани қайд этгани ва бу стандарт меъёр бўйича ўртача миқдорда эканлигини ифодалайди.

Ўзини қабул қилиш шкаласига кўра, ўқувчиларнинг ижтимоий мослашувчанлик даражалари 26,30 нисбатни ташкил қилган. Бу шкала бўйича ўқувчиларнинг олган натижалари сўровнома меъерий кўрсаткичига кўра, ўртача натижани кўрсатган. Ўқувчиларда ўзини қабул қилиш шкаласи бўйича ўртача натижани намоён қилганлиги, уларда бошқалар билан биргаликда ўзларини ҳам тушунишлари билан изоҳланади.

4-жадвал

Роджерс методикаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Колмогоров Смирновнинг z-мезони бўйича) N=110

Кўрсаткичлар	Адаптация	Ўзини қабул қилиш	Бошқаларни қабул қилиш	Эмоционал дискомфорт	Назорат	Хукмронлик
N	110	110	110	110	110	110
M	78,80	26,30	15,95	19,70	33,75	8,20
Стандарт оғиш	9,40	6,69	3,22	4,13	5,83	1,67
Позитив	0,11	0,11	0,07	0,12	0,09	0,16
Негатив	-0,08	-0,10	-0,10	-0,07	-0,06	-0,09
Колмогоров-Смирнов	0,52	0,52	0,47	0,56	0,40	0,73

Учинчи шкала яъни бошқаларни қабул қилиш бўйича олинган натижалар 15,95 ни ташкил этган. Бу эса, ўқувчиларда ўзлари билан биргаликда атрофдаги инсонларни ҳам тушуна олиш имкониятига эга эканлиги билан белгиланади. Тўртинчи - эмоционал дискомфорт шкаласига кўра, ўқувчиларнинг натижалари 19,70 натижани ташкил қилганлиги ва бу стандарт меъер бўйича ўртачага яқин миқдорни ташкил қилишини англатади. Бешинчи шкала назорат бўйича 33,75 қийматни ташкил қилганлиги, ўзини бошқара олиши, назорат ва тартибли хулқ-атворни амалга ошириши билан белгиланади. Охирги шкала - хукмронлик бўйича натижалар 8,20 ўртача кўрсаткични ташкил қилганлиги ва бошқалар билан муносабатларни ўрната олишда авторитар ҳокимиятга мойиллиги билан ажралиб туради. Ўқувчилардан олинган натижалар социал адаптацияни аниқлаш сўровномаси бўйича умумий ўртача миқдор ўртача эканлигини кўрсатди.

5-жадвалда Самарқанд шаҳар умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг низоли вазиятларни ўрганишда К.Н.Томас шахс сўровномаси бўйича олинган натижалари келтирилган.

5-жадвал

**К.Н.Томас шахс методикаси ва тажовуз ҳолати методикалари
даражасининг факторли анализ кўрсаткичлари**

Шкалалар	Факторлар					
	1	2	3	4	5	6
Рақобатлилик	0,014	0,554	0,449	0,393	0,134	0,249
Ҳамкорлик	0,487	0,101	0,581	0,108	0,127	0,516
Келишувчанлик	0,108	0,393	0,282	0,257	0,526	0,017
Тортишувдан қочиш	0,211	0,288	0,113	0,081	0,789	0,293
Мослашувчанлик	0,354	0,605	0,027	0,090	0,160	0,534
Жисмоний тажовуз	0,694	0,316	0,381	0,348	0,211	0,152
Вербал тажовуз	0,709	0,294	0,298	0,443	0,038	0,029
Билвосита тажовуз	0,590	0,390	0,036	0,396	0,240	0,337
Негативизм	0,115	0,155	0,468	0,608	0,269	0,360
Тажанглик	0,081	0,490	0,298	0,506	0,315	0,241
Шубҳаланувчанлик	0,064	0,657	0,296	0,076	0,198	0,495
Хафагарчилик	0,081	0,313	0,791	0,257	0,168	0,063
Айбдорлик	0,600	0,081	0,335	0,455	0,469	0,095

*p < 0,05, **p < 0,01

. 6-жадвал

**Лири-Собчик ва Роджерс методикалари даражасининг факторли анализ
кўрсаткичлари**


Шкалалар	Факторлар					
	1	2	3	4	5	6
Хукмрон-лидерлик	0,806	0,029	0,273	0,127	0,298	0,072
Мустақил-устуворлик	0,329	0,662	0,168	0,535	0,007	0,162
Тажовузкор	0,317	0,517	0,290	0,367	0,453	0,347
Ишончсизликскептиклик	0,483	0,665	0,030	0,391	0,028	0,212
Итоаткортортинчоқлик	0,467	0,553	0,236	0,127	0,338	0,485
Бўйсунувчанлик	0,001	0,050	0,591	0,604	0,363	0,149
Ҳамкорликконвенциаллик	0,029	0,480	0,142	0,260	0,491	0,096
Масъулиятлилик	0,248	0,495	0,066	0,513	0,568	0,001
Адаптация	0,715	0,316	0,275	0,367	0,233	0,029
Ўзини қабул қилиш	0,087	0,109	0,095	0,237	0,489	0,777
Бошқаларни қабул қилиш	0,466	0,212	0,694	0,113	0,118	0,591
Эмоционал дискомфорт	0,508	0,096	0,635	0,069	0,116	0,072
Назорат	0,135	0,584	0,525	0,157	0,033	0,098
Хукмронлик	0,490	0,230	0,094	0,608	0,346	0,101

***p < 0,05, **p < 0,01**

Девиант хулқ-атворни бартараф қилиш ва унинг психологик хусусиятларини таҳлил қилишга доир тадқиқот ишларимизга аниқлик киритиш давомида девиант хулқ-атвор ва хулқий оғишлар қай даражада ўсмир ёшдаги ўқувчиларга таъсир даражасини аниқлаш учун Қарши шаҳар умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олувчи ўқувчиларнинг методикалар ўртасидаги факторли анализни ташкил қилган бирликлар қуйидагича намоён бўлганини кўришимиз мумкин. Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар бта компонентга бирлашганлиги намоён бўлди.

Қарши шаҳар умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг тадқиқотдан олган натижалари олтита факторларга бирлашганлиги ва бу факторлар методикадаги асосий аҳамиятли натижалар ва кўрсаткичларни белгиловчи асосий индикаторларни ташкил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Қуйида келтирилган жадвалда мактаб ўқувчиларининг шахслараро муносабатлар ва социал адаптация методикалари ўртасидаги факторли анализнинг ўзаро нисбатлари тақдим қилинган. Юқорида келтирилган фактор таҳлили бизга девиант хулқли ўсмирларнинг шахсини номлаш, қуйидаги типларини аниқлаш имконини берди.




1-расм. Ўсмир ўқувчиларда низоли вазиятларни ҳал қилиш усули, тажовуз ҳолати, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанлик сўровномаларининг гистограмма кўрсаткичлари

Ўсмирларда девиант хулқ-атворни бартараф қилишда ижтимоий психологик хизматнинг ўрни юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, халқ таълим муассасалари ўқувчиларининг низоли вазиятларни ҳал қилиш усуллари, тажовуз ҳолатини аниқлаш, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанлик даражаси

сўровномаларининг ўқувчилар фаолияти учун энг зарур бўлган факторлар гистограмма орқали намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Ўқувчиларда низоли вазиятларни ҳал қилиш усули, тажовуз ҳолати, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанлик даражаларини белгилаб берган омиллар юқори даражада ишончсизлик-скептиклик, назорат, ўзини қабул қилиш, рақобатлилик ва бошқаларни қабул қилиш кабилар белгилаб берилган. Паст даражада аниқланган психологик омиллар: эмоционал дискомфорт, айбдорлик, шубҳаланувчанлик ва тажанглик кабиларни ташкил қилган.

Кейинги жадвалда Самарқанд шаҳар умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг низоли вазиятларни ҳал қилиш усули, тажовуз ҳолатини аниқлаш, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанликни ўлчаш сўровномаларининг гистограмма кўрсаткичлари келтирилган.



2-расм. Ўсмир ўқувчиларда низоли вазиятларни ҳал қилиш усули, тажовуз ҳолати, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанлик сўровномаларининг гистограмма кўрсаткичлари

Девиант хулқ-атворнинг психологик хусусиятларини ўлчашга хизмат қилувчи низоли вазиятларни ҳал қилиш усули, тажовуз ҳолатини аниқлаш, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий мослашувчанлик сўровномалари ўқувчиларнинг келгуси фаолиятида девиант хулқ-атвори олдини олишга имконият яратиб беради. Ўсмир ўқувчиларда юқори натижани кўрсатган психологик хусусиятлар: ишончсизлик-скептиклик, билвосита тажовуз, ўзини қабул қилиш, эмоционал дискомфорт ва бошқаларни қабул қилиш каби сифатларни намоён қилган. Паст кўрсаткични эса назорат, шубҳаланувчанлик, негативизм, ҳамкорлик ва тажанглик кабилар ташкил қилган. Кейинги жадвалда девиант

хулқ-атворни ўлчаш ва бартараф қилишга хизмат қилувчи сўровномаларнинг ўзаро валидлик кўрсаткичлари акс эттирилган.

«Ўсмирларда девиант хулқ-атворни бартараф этишда ижтимоий-психологик хизмат ўрнининг эмпирик таҳлили» деб номланган диссертациянинг учинчи боби ўсмирларда девиант хулқ-атворни ўлчашга имкон берувчи методикалардан фойдаланиш, девиант хулқ-атворнинг ўзига хослик жараёни, ўсмирларда девиант-хулқ-атворни пайдо бўлишига таъсир этувчи психологик хусусиятлар, ўсмирларда девиант хулқни бартараф этишнинг ижтимоий- психологик услублари ва дастлабки натижалар ва девиант хулқли ўсмирларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатишнинг психопрофилактик жиҳатлари ўртасидаги психологик омилларни аниқлашдан иборат.

